



# Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 8 январь,  
№3 (970)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

**КҮРИК-ТАНЛОВ**

## Намунали ва мустаҳкам оилалар аниқланди

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир хонадоннинг моддий фаровонлигини янада юксалтириш, уларни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, фуқароларнинг соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятини орттиришни кўзлаган «Энг намунали оила» кўрик-танлови поёнига етди.

**Шукр ЖАББОР «Mahalla»**

Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Касоба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарбиот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши аъзолари асосий ташкилотчи бўлишди.

«Энг намунали оила» кўрик-танловида жами 2 мингга яқин оилалар

иштирок этди. Республика Ташкилий кўмитасининг 2013 йил 17 октябрдаги йиғилиш қарори билан ушбу кўрик-танловнинг якуний босқичи 4 та ҳудудга бўлинган ҳолда (1-ҳудуд — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари, 2-ҳудуд — Тошкент шаҳари, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари, 3-ҳудуд — Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари, 4-ҳудуд — Қорқолпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари) ўтказилди.

4 »



■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**



## Устувор вазифалар ижросида ваколат ва масъулиятнинг кўлами кенг

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниб, ҳаётга самарали татбиқ этилаётгани жамиятнинг барча жабҳаларини, жумладан, маҳалла фаолиятини модернизация қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

**Наргиза ҚАЮМОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси.**

Мазкур қонунларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини

самарали ташкил этиш бўйича бир қатор муҳим ўзгаришлар киритилди. Хусусан, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий муҳофаз қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш ҳамда давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ваколатлари янада кенгайтирилди.

Айниқса, фуқаролар йиғини қошида асосий фаолият йўналишлари бўйича Яраштириш, Маърифат ва маънавият масалалари, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш, Хотин-қизлар билан ишлаш, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари, Экология ва табиатни муҳофаз қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар тузилиши белгилангани диққатга сазовордир.

2 »

**УЧРАШУВ**

## Маҳалла муаммоси ҳоким эътиборида

Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳудудда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотларни сарҳисоб қилиш, қиш мавсумини талафотсиз ўтказиш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний экстремизм ва унинг зарарли оқибатларининг олдини олиш, огоҳликни ошириш, тинчликнинг қадр-қимматини тарғиб этиш, фуқаролар турмушидаги муаммоларни ўрганиш мақсадида «Жанубий», «Лочин» ҳамда «Бинокор» маҳаллалари аҳолиси билан учрашув ташкил этди.

**Мухбиримиз**

Шаҳар ҳокими Н.Аҳатов бошқарган тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдиев, ҳуқуқни муҳофаз аэтувчи идоралар вакиллари, ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари иштирок этдилар.

Учрашувда, асосан, табиий газ ва электр таъминоти, йўл қурилиши, пенсия ва нафақаларни тарқатишда юзага келаётган муаммолар ҳамда бандлик ҳусусида сўз борди.

— Садриддин Айний кўчаси 75-уйда яшовчи фуқаролар канализация тармоғининг яхши ишламаслиги туғайли атроф-муҳит ифлосланаётгани ҳамда ҳудуддаги 5-умумтаълим мактаби қаршида пиёдалар йўлакчаси йўқлиги, бу болалар ҳаётинга хавф туғдираётгани ҳусусида мурожаат қилишди, — дейди «Бинокор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мўмина Ҳоҗиева. — Айни кунда ҳар иккала масалани ижобий ҳал этиш учун ҳаракат бошланган.

Мулоқотда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари эшитилиб, мавжуд камчиликларни тезда бартараф этиш мақсадида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

**ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, АЗИЗ МАҲАЛЛАМ**

## Тарихни англаш ўзликни англашдир

Фарзандларимиз онгида тарихий хотира, юксак маънавият, халқимизнинг бебаҳо анъаналари, маданий меросига ҳурмат, миллий руҳият ва мустақиллигимизнинг мазмун-моҳиятини теран англаш каби фазилатларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

**Жамшиа БЕК «Mahalla»**

Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 февралдаги 51-сонли баёни билан тасдиқланган 2013 йилда «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самардорлигини янада ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги Дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида тасдиқланган қўшма қарор асосида ташкил этилган «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танлови акунланди.

4 »

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

## Чуқур билим ва малака ҳар соҳада асқотади

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиши ҳамда асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ҳусусида алоҳида бандлар мавжуд.

**Холбиби САФАРОВА «Mahalla»**

Бу айни кунда маҳалла тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг чуқур билим

ва тажрибага эга бўлиши лозимлигини тақозо этади. Президентимизнинг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил

этиш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламалдир.

Навоий вилоятида мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курсларини ташкил этишга бағишланган йиғилишлар ўтказилиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди.

2 »



■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

**СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?**

## Таъсирчан тарғиботга услубий кўмак зарур

Жорий йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили деб номланиши ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг тақдирини, келажагига қайғуриш, таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилганини яна бир қарра исботлади.



■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

**Холида АҲРОРОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бўстонлиқ тумани бўлинмаси бош мутахассиси.**

Қачонки, она соғлом бўлса, бола ҳам соғломдир. Шу маънода «Соғлом она — соғлом бола» дастури асосида маҳаллаларда аниқ чора-тадбирлар белгиланган ва изчил амалга оширилаётган. Бу каби масъулиятли вазифалар, шубҳасиз, жорий йилда ҳар қачонгидан ҳам ортади.

Бугунги кунда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тизимида фаолият юритаётган оила ва хотин-қизлар ҳамда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларига услубий-амалий ёрдам кўрсатилаётгани ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Айни пайтда Бўстонлиқ туманидаги фуқаролар йиғинларида 43 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи билан ҳамкорликда ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтиришга оид тарғибот тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

3 »

**МАСЛАҲАТЧИ МИНБАРИ**

## Эзгу мақсадлар йўлидаги янги режалар

Юртбошимиз Ўзбекистон халқига Янги йил табригида «...болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту ихболлини кўриш — ҳар бир ота-она, ҳар қайси оиланинг энг улуг ва муқаддас орзусидир», дея таъкидлаши ҳамда жорий йилнинг «Соғлом бола йили» дея номланиши биз боғбонликларни ҳам руҳлантириб юборди.

**Хонимой УСАНБОУВА, Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги «Боғбон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

Авалло, фарзандларининг саломатлиги тўғрисида қайғураётган юртининг келажиги порлоқ бўлиши тайин.

«Боғбон» маҳаллафуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган бўлиб, 488 та хонадонда тўрт минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қарийб ўн йилдан буюн шу маҳаллада йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келмоқдаман.

3 »

**ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ**

## Тўғри, аниқ ҳаракат — умрингизга кафолат

Ҳар куни барчамиз пиёда ёки автотранспорт воситаларида ҳаракат қилишда бўлишимиз ва атрофдагилар ҳаётини муҳофаз қилиши тақозо этади.

**Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»**

Бу эса ўз-ўзидан кўча ва йўлларда ҳаракат қилиш қоидаларига қатъий риоя этиш, ўзини ва атрофдагилар ҳаётини муҳофаз қилиш тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар самардорлигини ошириш мақсадида юртимизда 2013 йил 15 декабрдан 2014 йил 15 январьгача ҳаракат хавфсизлиги ойлиги эълон қилинди.

3 »



КҮРИК-ТАНЛОВ

Намунали ва мустаҳкам оилалар аниқланди



Н. ХАЙДАРОВ олган сурат.

Танловнинг ҳудудий-республика босқичида Нисомда белгиланган мезонлар асосида ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, 1-худуддан Наманган вилояти Чортоқ туманидаги «Бўлон» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Мирзазоҳидовлар оиласи, 2-худуддан

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Ҳамза номли маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Эргашевлар хонадони, 3-худуддан Қашқадарё вилояти Қашша тумани Қизилтепа қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидagi Савсан қишлоғида яшовчи Мейлевлар оиласи, 4-худуддан Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа тумани «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинидан Тажмуратовлар оиласи «Энг намунали оила», деб топилди. Ушбу тўртта оилага танлов ташкилотчиларининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Эътироф этилган энг намунали оилалар, албатта, ўзига хос қисматларга эга. Мисол учун, Мирзазоҳидовлар хонадони маҳаллада

кам таъминланган оилалар ҳолидан доимо хабар олиб, уларни қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари — бўғдой, сабзи, картошка, пиёз билан таъминлашни эзу аъмолига айлантирган. Қолаверса, оила аъзолари фуқаролар йиғини томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда фаол қатнашиб, кўни-кўшни ва маҳалладошларига тўй-хашам, оилавий маросим ва маъракаларни камхарж ўтказишда керакли товсия ҳамда маслаҳатларини аямойдилор. Эргашевлар оиласи эса жамоат ишларида, турли тадбир ва маросимларда фаол иштирок этиб, нафақат фарзандлари тарбияси, балки худуддаги ёшларнинг баркамол бўлиб улғайишида ҳам ўзларининг бай ҳаётий тажрибасига таяниб, панду насиҳатлари билан йўнак бўлиб келмоқда. Мейлевлар оилавий тадбиркорлик ва боддорчилиги йўлга қўйган. Улар етиштирган маҳсулотлар нафақат туман, балки вилоятда ҳам машҳур. Аҳилиқда маҳалла аҳолисига йўнак бўлиб келмоқда. Фарзандлари улардан ибрат олиб аштирилди. Худуддаги нотинч-ноқобил оилаларни яраштиришда ушбу хонадоннинг алоҳида ўрни бор. Тажмуратовларни спортчилар оиласи, дейиш мумкин. Гап шунда-

Дунё бўйлаб

Табиатни асраш йўлида

Хитой ҳукумати мамлакат тарихида илк бор олтин туннадан зиёд фил суягини оммавий равишда йўқ қилди. Хитой ҳукумати мамлакат тарихида илк бор олтин туннадан зиёд фил суягини оммавий равишда йўқ қилди. Хитой ҳукумати мамлакат тарихида илк бор олтин туннадан зиёд фил суягини оммавий равишда йўқ қилди.



Тадбир асосан Африка фил суяқлари ноқонуний равишда олиб қирилган Гуандун вилоятида амалга оширилди. Суяқларнинг маҳсулоти машиндорда майдаланиши давлатга қаршли телеканалда тўғридан-тўғри эфирга узатилади.

ИХТИРО

Электр қувватли гиламча

Ўзбекистон миллий университетининг Механика-математика факультети талабалари Темур Назметдинов ҳамда Илҳом Бакиевлар механик шаклда энергия, яъни электр токи ишлаб чиқарувчи электр палос (набат) ихтиро қилишди.

Шукр ЖАББОР «Mahalla» Унинг устидан юриб ўтсангиз, электр токи пайдо бўлади. Палоснинг орасига механик ҳаракат ва туртки сабабли энергия ҳосил қиладиган чиплар ўрнатилган. Бугун бутун дунёда, хусусан, мамлакатимизда

ҳам муқобил энергияга эҳтиёж кучайиб бораётган бир пайтда бу каби ихтиро аҳамиятлидир. Электр гиламчани одамлар кўп ўтадиган жойлар, хусусан, кундалик моллар дўкони ва туртки муассасалар оstonасига тўшаб қўйилса, механик усулда электр қуввати олиш мумкин. Бу ихтиро келажакда энергияни тежаш имконини беради.

ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, АЗИЗ МАҲАЛЛАМ

Тарихни англаш ўзликни англашдир

Мазкур танловнинг ўтказишдан мақсад фуқароларда тарихий гурур, маънавий бурч, аъноларимизга эҳтиром, буюк тарихий даврда яшаётганимизнинг қадрини кўрсатиш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Қолаверса, ҳар бир маҳалланин тарихи ҳамда мустақиллик йилларида эришилган ютуқларнинг моҳиятини оммага етказиш, йиғиларда ёшларнинг маънавий-маърифий, тарбиявий, ижтимоий фаоллигини янада яхшилаш, уларни миллий ва умминсоний қадриятларга ҳўрмат руҳида тарбиялаш, ёшлар онгда ватанпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шонини ардоқлаш каби улғвдор қисматларни шакллантиришдан иборат.



Ушбу кўрик-танловнинг республика босқичида ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кўра 1-худуддан Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги «Шарқ юлдузи» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Шарқ юлдузи» жамоаси, 2-худуддан Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Дўстлик» жамоаси, 3-худуд бўйича Самарқанд вилояти Каттакўрган шаҳри Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғинидан «Маҳалла зуққолари» жамоаси, 4-худуддан Бухоро вилояти Бухоро шаҳри «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Омода» жамоаси қилиб, деб топилди.

Танловда иштирокчилар ўз чиқишларида худудларида миллий ва умум-башарий қадриятлар, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси, ўрф-адат ва аъноларимизнинг ҳаётга жорий этилиши ҳамда бу борда аҳоли ўртасидаги тарбиёт ишларининг кай даражада йўлга қўйилганини намоиш этдилор. «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловнинг республика босқичида қилиб бўлган ўрта маҳалла компьютер жамланмаси ва диплом, иштирокчи ёшлар эса фахрий ёрликлар билан тақдирландилор. Шунингдек, танловда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда «Камолот» ЕИҲ томонидан ҳам 20 нафар қолибга эсдалик совғалари топширилди.

Спорт хабарлари

ТЕННИС

Мавсумнинг илк ғалабаси

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Денис Истомин янги мавсумдаги дастлабки ғалабасини нишонлади. Хамюртимиз Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтаётган «ATP Apia International Sydney — 2014» халқаро турнирининг дастлабки босқичида испаниялик П.Андухар билан баҳсга киришди. У рақибидан ҳар томонлама устунлигини намоиш этиб 6:1, 6:2 ҳисобида зафар қўчди. Тажрибали теннисчи турнирнинг иккинчи довраида хорватиялик М.Чилич билан куч синашди.

УЛОҚ-КЎПКАРИ

Қадриятлар бардавом

Тошкент вилоятининг Оқкўрган туманида улоқ-кўпқари мусобақаси ўтказилди. Халқимизнинг азалий Миллий қадриятларидан саналган мазкур мусобақада 500 нафарга яқин чавандоз узаро куч синашди. От чоптириш ва улоқ олишда тенгсизлигини намоиш этган У.Холбўтаев, А.Жўрабоев, А.Носиров, О.Ортиқов, М.Исмоилов, Д.Бобоқулов, С.Собиров, М.Шомбетов, К.Аҳодов, Х.Холбўтаев каби тажрибали чавандозлар ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Усмир ёшлар ўртасида от чоптириш бўйича 300 метрга ўтказилган пойгоҳда Д.Жўрабоев ва Ш.Тоҳиров ғолиб чиқди.

Қурилаётиб қулаган бино

Ҳиндистонда янги қурилаётган бинонинг қулаши оқибатида 14 киши қурбон бўлди. Бахтсиз ҳодиса Гоа штатининг Конакон шаҳрида содир бўлди. Вайрона остида яна ўнлаб жасодлар бўлиши мумкин. Айрим маълумотларга кўра, босиб қолгунига қадар бинода 40 нафарга яқин киши бўлган. Беш қаватли бинонинг нима сабабдан қулагани ҳозирча аниқланмади. Воқеа жойида ёнғин хавфсизлиги, полиция ва кутқарувчилар гуруҳи иш олиб бормоқда.

Совуқ рекорд даражада

Арктикадан Канада ва АҚШ ҳудудида ёпирилган совуқ ҳаво оқими рекорд даражадаги паст ҳароратни бошлаб келди. Канада ҳамда АҚШ шимол-шарқидagi бўронлар натижасида қорнинг қалинлиги 60 сантиметрга етди. Ноқулай об-ҳаво 16 кишининг умрига зомин бўлди. 3000 дан зиёд авиа парвозлар бекор қилинди. АҚШнинг шимолий ва марказий штатларида пўртна шамоллари эсганда ҳарорат —51° градуслар тушган. Бу сўнгги йилга йилдаги энг паст ҳароратдир. Маҳаллий ҳокимият аҳолини илжойи борица уйдан чиқмасликка чақирмоқда. Маълумотларга кўра, яқинда Огайо, Жанубий Дакота ва Иллиной штатларида кучли совуқ шамоллар эсади, Теннесси ва Кентуккини эса улкан қор бўронлари кутмоқда.

Mahalla newspaper footer with contact information, address, and subscription details.



